

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.14252100>

## ДЕМОГРАФИК РИВОЖЛАНИШ НАЗАРИЯСИ ТЎҒРИСИДА ДУНЁ ОЛИМЛАРИ МУЛОҲАЗАЛАРИ ВА АҲОЛИ ЖОЙЛАШУВИ

**Мустафақулов Шерали Зулфиқарович**

Термиз давлат педагогика институти магистранти

*Аннотация.* Мазкур мақолада демографик ривожланиш назарияси тўғрисида дунё олимлари мулоҳазалари ва аҳоли жойлашуви ҳамда бугунги глобаллашув жараёни фаол кечаётган шароитда демографик жараёнларнинг умумий қонуниятлари ва хусусиятлари ҳақида мулоҳазалар юритилган.

*Калит сўзлар:* глобаллашув, демографик ривожланиш назарияси, демографик жараёнлар, аҳоли жойлашуви, демографик сиёсат, аҳоли сиёсати, аҳолининг таркибий қисмлари, аҳолининг меҳнат ёши, аҳолининг такрор барпо бўлиши.

## МНЕНИЯ МИРОВЫХ УЧЕНЫХ О ТЕОРИИ ДЕМОГРАФИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ И РАЗМЕЩЕНИЯ НАСЕЛЕНИЯ

**Мустафақулов Шерали Зулфиқарович**

Магистрант Термезского государственного педагогического института

*Аннотация.* В данной статье обсуждаются мнения мировых ученых о теории демографического развития и размещения населения, а также общие закономерности и особенности демографических процессов в условиях современного процесса глобализации.

*Ключевые слова:* глобализация, теория демографического развития, демографические процессы, размещение населения, демографическая политика, политика населения, компоненты населения, трудоспособный возраст населения, воспроизводство населения.

## OPINIONS OF WORLD SCIENTISTS ON THE THEORY OF DEMOGRAPHIC DEVELOPMENT AND POPULATION PLACEMENT

**Mustafaqulov Sherali Zulfikarovich**

Master's of Termez State Pedagogical Institute

***Abstract.** This article discusses the opinions of world scientists on the theory of demographic development and population distribution, as well as general patterns and features of demographic processes in the context of the modern process of globalization.*

***Keywords:** globalization, theory of demographic development, demographic processes, population distribution, demographic policy, population policy, population components, working age of the population, population reproduction.*

**Кириш.** Бугунги глобаллашув жараёни фаол кечаётган шароитда демографик жараёнлар ва аҳолининг жойлашуви хусусиятлари ўтган асрга нисбатан тубдан фарқ қилади. Яъни, ишлаб чиқариш тезлиги ва аҳоли даромадлари юқори, коммуникациялар ривожланган, қулай шарт-шароитларга эга бўлган минтақаларга аҳолининг жойлашишга интилиши билан характерланади.

**Тадқиқот методлари.** Мақолани ёзишда омилларни таҳлил қилиш усули, тарихий қиёслаш ва умумлаштириш каби методлардан фойдаланилди.

**Муҳокама ва мулоҳазалар.** Демографик жараёнлар собиқ Иттифоқ ва ҳозирги МДХ мамлакатлари олимлари томонидан кенг тадқиқ қилинган. Улар жумласига демограф олимлар Д.И.Валентей, А.Г.Вишневский, А.И.Козлов, Б.С.Урланис кабиларни келтириш мумкин. Ушбу мавзу аҳоли географияси доирасида С.А.Ковалёв, В.В.Покшишевский, А.И.Алексеев ва бошқа олимлар илмий тадқиқотларида ўрганилган. Мамлакатимизда кўрилаётган муаммо билан М.Қорахонов, Г.Р.Асанов, Р.А.Убайдуллаева, О.Б.Ота-мирзаев, М.Р.Бўриева, А.С.Солиев, А.А.Қаюмов, З.А.Райимжонов ва бошқалар шуғулланишган. Шу билан бирга республикамиз вилоятларининг мустақиллик йилларидаги демографик ривожланиши билан боғлиқ муаммолар Г.Ходжаева, И.Атажанов,

З.Тожиева, М.Қодиров, Ш.Жумахонов, О.Муҳамедов ва бошқаларнинг илмий ишларида ҳам таҳлил қилинган. Мазкур ишнинг тадқиқот объекти ҳисобланган Қашқадарё вилояти шаҳарларидаги демографик жараёнлар П.Қурбонов тадқиқотларида кенг ёритилган.

Охирги йилларда чоп этилган демографик ривожланишга доир назарий рисолаларда ҳозирча бундай ишлар деярли йўқ, айти пайтда XX асрнинг 70-, 80- ва 90-йиллар бошида нашр қилинган рисолаларда асосий эътибор давлат томонидан бошқариш ва демографик сиёсатга қаратилган эди. “Демографик жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш” тушунчасининг моҳиятига таъриф беришдан олдин, “демографик сиёсат” тушунчасининг маъносини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ, чунки, бизнинг назаримизда, тартибга солиш демографик сиёсатнинг бир қисми ҳисобланади.

Аҳолининг умумий назарияси демографик жараёнлар ва уларнинг жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсирини ўрганади. У аҳоли сони, тузилиши ва тарқалишига таъсир қилувчи турли жиҳатларни бирлаштиради. Ушбу назариянинг асосий қоидаларидан бири “демографик ўтиш” бўлиб у туғилиш ва ўлимнинг юқори даражасидан паст даражага ўтишни тавсифловчи жараёндир. Одатда демографик ўтишнинг тўрт босқичи мавжуд:

- биринчи навбатда, туғилиш ва ўлим кўрсаткичлари юқори бўлган анъанавий жамиятларда (дастлабки босқич).

- кейин туғилишнинг юқори коэффициентини сақлаб қолган ҳолда тиббий-ижтимоий шароитларнинг яхшиланиши туфайли ўлимнинг пасайиши (иккинчи босқич).

- Бунинг ортидан туғилиш даражасининг пасайиши кузатилади, бу эса аҳолининг кўпайишига олиб келади (учинчи босқич).

- Ниҳоят, охирги босқичда аҳоли сони барқарорлашади ва туғилиш даражаси ўлим даражасига яқинлашади (тўртинчи босқич).

Аҳолининг умумий назарияси қоидаларининг кейинги элементи аҳоли таркиби, ёши, жинси, касби ва бошқа мезонлар бўйича турли аҳоли гуруҳлари

Ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилади. Бу жамият эҳтиёжларини, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни тушуниш учун муҳимдир. Мазкур қонданнинг яна бири миграция бўлиб, ички ва ташқи миграция, унинг мамлакатлар демографик ҳолати ва иқтисодиётига таъсирини ўрганиш. Миграция жараёнлари ишчи кучи танқислигини қоплаш ва маданий алмашинувни ривожлантиришга ёрдам беради, лекин айти пайтда ижтимоий ва иқтисодий низоларга олиб келиши мумкин. Шунингдек, ушбу элементларнинг яна бири ижтимоий-иқтисодий омиллар, яъни иқтисодий шароит, қишлоқ ва шаҳар турмуш тарзи, таълим ва соғлиқни сақлаш даражаларининг демографик жараёнларга таъсирини мунтазам кузатиб боришни тақоза қилади. Шу билан бирга, оиланинг тузилиши, аҳолининг туғилиш ва ўлим даражаси каби кўрсаткичлар аҳоли аҳолининг асосий кўрсаткичлари ҳисобланади. Улар кўплаб омиларга, жумладан, маданиятга, тиббий хизматлардан фойдаланишга ва турмуш даражасига боғлиқ.

Аҳоли умумий назарияси аҳоли пунктлари динамикасини тушуниш ва демография соҳасидаги давлат сиёсатини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. У ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш соҳасида самарали стратегияларни шакллантириш учун зарур бўлган тенденциялар ва муаммоларни аниқлаш имконини беради.

Бозор иқтисодиёти шароитидаги демографик сиёсат мамлакатдаги демографик вазиятни тартибга солиш ва яхшилашга қаратилган қатор чора-тадбирлар ва стратегияларни ўз ичига олади. Бу барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш, турмуш сифатини ошириш, меҳнат бозори ва умуман иқтисодиётдаги ўзгаришларга мослашишда муҳим аҳамиятга эга.

Бозор иқтисодиёти шароитида демографик сиёсатнинг асосий жиҳатларига туғилишнинг пасайиши шароитида кўплаб давлатлар оила ва оналикни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни жорий қилмоқда. Бунга оналик нафақалари, ота-оналар учун солиқ имтиёзлари, болаларни парвариш қилиш дастурлари ва болалар боғчалари каби инфратузилмани ривожлантириш киради.

Шунингдек, аҳоли таркибида кексалар салмоғи ортиб бориши муносабати билан кекса авлод вакиллари ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш ва жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминловчи дастурларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, аҳолининг таълим ва кўникмалари муҳим жиҳат бўлиб, у меҳнат унумдорлигини ошириш ва бозор иқтисодиёти ўзгаришларига мослашиш учун ишчи кучининг малакасини оширишда таълим ва ўқитишга сармоя киритишни тақоза қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида демографик сиёсат ҳар томонлама, иқтисодий шароит, маданий хусусиятлар, турмуш даражаси, ижтимоий хизматларнинг мавжудлиги ва бошқа жиҳатлар каби кўплаб омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Самарали демографик сиёсат нафақат аҳоли фаровонлигини оширишга, балки бутун мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишига ҳам хизмат қилмоқда.

Бозор иқтисодиётининг муҳим белгилари аҳолининг дунёқараши, хулқ-атвори ва тафаккурига сезиларли таъсир кўрсатади. Ушбу таъсирни бир неча жиҳатлар билан кўриш мумкин:

Уларнинг биринчиси, молиявий саводхонлик бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг молиявий менежмент, сармоя ва жамғармаларга қизиқиши ортиб боради. Одамлар фаровонлик учун молиявий саводхонлик ва таълим муҳимлигини англай бошладилар. Иккинчиси, тадбиркорлик руҳи бўлиб, Рақобат ва инновация тамойиллари одамларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришга, ўз бизнесини яратиш имкониятларини излашга ва иқтисодий мустақилликка интилишга ундайди. Учинчидан, бозордаги талаб ва таклиф механизмини тушуниш, одамлар товар ва хизматларнинг нархлари ва сифати бозор шароитларига қандай боғлиқлигини тушунганларида янада оқилона истеъмолчи хулқ-атворини шакллантиради. Тўртинчидан, ижтимоий тенгсизлик бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли рақобат ва ресурслар ва имкониятлардан фойдаланишдаги фарқлардан келиб чиқадиган ижтимоий тенгсизлик ва қашшоқлик масалаларини тан олиши ва муҳокама қилиши мумкин. Бешинчидан,

бозор иқтисодиётининг меҳнат бозорига таъсири одамларнинг мартаба интилишларига таъсир қилади. Улар бозор эҳтиёжларининг ўзгаришига жавобан малака ошириш, қайта тайёрлаш ёки мартаба ўзгартириш имкониятларини излашлари мумкин. Олтинчидан, танқидий фикрлаш ва фаоллик, бозор иқтисодиёти тамойиллари билан танишиш одамларни сиёсат, ижтимоий адолат ва барқарор ривожланиш ҳақида мунозараларда қатнашишга ундаш орқали фуқароларнинг фаоллигини оширишга ёрдам беради. Еттинчидан, бозор сифат ва брендлар кадрланадиган истеъмол маданиятини яратади, бу товар ва хизматларни танлашга, шунингдек, умумий турмуш даражасига таъсир қилади.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиётининг кўрсатмалари нафақат иқтисодий жараёнларни белгилайди, балки жамоатчилик фикри, кадриятлари ва хатти-ҳаракатларини ҳам шакллантиради.

**Хулоса.** Кўриб чиқиладиган муаммо нуқтаи назаридан, бизнингча, демографик сиёсатни давлат томонидан демографик жараёнларни аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда тартибга солиш механизми сифатида ифодалаган Л.Л.Рибакоскийнинг қуйидаги таърифи энг мақбул ҳисобланади: “Демографик сиёсат”- деганда ҳокимият тузилмалари даражасида умумий қабул қилинган ғоялар ва биринчи навбатда давлат, шунингдек, бошқа ижтимоий институтлар ёрдамида, муайян тамойилларга амал қилган ҳолда, жамият ривожланишининг ҳозирги ва кейинги босқичлари мақсадларига эришишни назарда тутадиган концептуал бирлаштирилган воситалар тизимини тушуниш лозим. Юқорида келтирилган таърифларнинг таҳлили демографик ривожланиш жараёнлари ва аҳолининг жойлашуви давлат томонидан аниқ мақсадли тартибга солиш зарур деган хулосага келиш имконини беради, бу турли тартибга солувчи воситалар тизимидан фойдаланиш орқали таъсир этишни назарда тутди.

**Адабиётлар.**

1. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Избранное – М.: Эксмо, 2007. – С.9.
2. Хейлбронер Р., Туроу Л. Экономика для всех. – Новосибирск: «Экор», 1994. – С.45.
3. Самуэльсон П.А. Экономика / П.А. Самуэльсон, В.Д. Нордхаус; пер. с англ. – М.: Издво «БИНОМ», 1997. – С.188.
4. Сови А. Общая теория населения. Т.І. - М: Прогресс, 1977. – С.49
5. Многоязычный демографический словарь. - Нью-Йорк, 1973. – С.4
6. Современная демография /Под ред. Кваши А.Я., Ионцева В.А. - М.: Изд-во МГУ, 1995. – С.170-171.
7. Кабыща А.В., Осипов Г.В. Российская социологическая энциклопедия. – М.: “НОРМА-ИНФРА-М”, 1998 – С.394.